

35 Ягона Ватан,
ягона халқ бўлиб,
янги ҳаёт ва
келажак яратамиз!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA № 17 (1585)

2026-YIL 1-MAY, JUMA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat



ФАРҒОНАДА ЯНГИ МИЛЛИЙ ДАВР



ЁШЛАР адолатли жамият бунёдкорлари

Мамлакатимизда ҳар пайшанба "Ёшлар куни" сифатида белгиланиб, бу кун давлат идоралари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари томонидан ёш авлод билан очиқ мулоқот ўтказиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини ўрганиш, илгари сурилаган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш самарали платформага айланган. Айни анъананинг моҳияти – ёшлар ҳаётига дахлдор масалаларни уларнинг бево-сита иштирокида ҳал этиш ҳамда ёш авлодни жамиятдаги ўзгаришларнинг чин маънодаги ҳамкори ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида тан олишдан иборат.

Семинар-тренинг

ПАРТИЯНИНГ ХУДУДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ — ҲАЁТ ТАЛАБИ

Жамиятимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, демократик жараёнларнинг чуқурлашуви ҳамда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш сиёсати партиялар олдида жиддий вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Бу вазифаларнинг ўза-гида – партиянинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириш масаласи туради.

Шу нуқтаи назардан, "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши таша-ббуси билан Бухоро вилоятида "Ҳудудий ва туман-шаҳар ҳамда бошланғич партия ташкилотлари (БПТ), "Ёш адолатчилар" қаноти ва "Замондош аёллар" клуби фаоли-ятининг самарадорлигини ошириш масалалари" мавзусида ўтказилган семинар-тре-нинг алоҳида аҳамият касб этди.





ЁШЛАР — адолатли жамият бунёдкорлари



Водий дурдонаси, Янги Ўзбекистоннинг жадал ислохотлар ва салмоқли ютуқлари кўзгусига айланаётган Фаргона бугун янгилигиш даврини бошдан кечирмоқда, десак асло бўлмади. Давлатимиз раҳбарининг бу заминга ташрифи меҳнаткаш ва забардаст фарғоналиклар оламшумул марраларга қандай эришаётганини, юракларига қандай юксак орзулар билан яшаётганини яна бир бор ёрқин намоён этди.

Муносабат

ФАРҒОНАДА ЯНГИЛАНИШ ДАВРИ

Манзура САЛИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси



1 "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг Бухоро вилоятидаги ўрганишларида ҳам асосий эътибор ёшлар таълими, улар учун яратилаётган имкониятлар ҳамда ёш авлоднинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш масалаларига қаратилди.

Партия етакчиси, Марказий аппарати масъуллари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ Бухоро давлат педагогика институтида талабалар билан "Раҳбар ва ёшлар" мавзусида очик мулоқот ўтказди.

Дастлаб институт ректори Баҳодир Мамуров меҳмонларни таълим муассасасида яратилган замонавий шарт-шароитлар билан таништирди. Атиги бир неча йил аввал — 2021 йилда ташкил этилган мазкур ёш олийгоҳ бугун кунга келиб минтақадаги етакчи педагогика уюмларидан бирига айланиб улгурди. Ҳозирда институтда 12 200 нафарга яқин талаба тахсил олмақда, шулардан 9 783 нафарини қизлар ташкил этади. Ушбу кўрсаткич хотин-қизларни олий таълимга кенг жалб этиш борасидаги давлат сиёсатининг амалий самараси сифатида алоҳида эътиборга молик.

Институт таркибидаги 6 та факультетда 700 нафарга яқин профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда. Уларнинг 24 нафари фан доктори, 172 нафари эса фан номзоди унвонига эга. Сунъий интеллект хоналари, инклюзив таълим хонаси ва робототехника лабораторияларида яратилган замонавий шарт-шароитлар замон талабларига жавоб берувчи мутахассислар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу — бугунги педагогика олийгоҳининг шунчаки таълим муассасаси эмас, балки ёш авлодни рақамли билимлар асосида тарбиялашга йўналтирилган замонавий маркази эканидан далоятидир. Шунингдек, олийгоҳда фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотининг фаолияти ҳам таҳлилий ўрганилди.

Тадбир давомида ташкил этилган "Раҳбар ва ёшлар" мавзусидаги очик мулоқотда партия етакчиси Робохон Махмудова халқимизнинг "Устоз отангдек улуғ" нақлига тўхталиб, тарихан жамиятимизда икки тоифа инсон энг юксак эҳтиромга лойиқ қўрилганини таъкидлади: бири — тан хасталигига даво изловчи шифокор, иккинчиси — жамиятга илим билан малҳам бўлувчи муаллим. Авваллари ота-оналар фарзандини мактабга, мадрасага етаклаб борганда, "Эти сизники, суяги бизники!" деб, устозга фарзандининг таълими, тақдир ва келажagini ишончи топишарди. Қолаверса, ота-боболаримиз устозлар сўхбатидан баҳраманд бўлиш, ундан бир қадам орқада юришни ўзи учун шараф деб билган.

— Устози қадр топаган миллатгина юксалишга қодирдир. Зотан, ҳазрат Навоий таъкидлаганидек, бир ҳарф ўқитиш машаққати, устоз ҳақини дунёнинг бор бойлиги билан адо этиб бўлмайди, — деди партия раҳбари.

Партия етакчиси Бухоро заминининг

буюк илмий-маърифий мероси ҳақида тўхталар экан, бу муқаддас тупроқда дунёга келган ва вояга етган алломуларнинг хизматлари нафақат миллий, балки умумбашарий цивилизация ривожига сезиларли таъсир кўрсатганини алоҳида қайд этди. Партия раҳбари талаба-ёшларга мурожаат қилиб, "Буун сиз таълим олаётган бу муқаддас замин — Ибн Сино шижоати, Имом Бухорий заковати ва Нақибанд ҳазратининг ҳикмати билан сугорилган. Улар нафақат Бухоро, балки бутун дунёни илим нури билан ёритган алломаларимиздир. Шундай экан, ўша буюк сиймоларининг еорислари эканимиздан фахрланибгина қолмай, бунга муносиб бўлиш учун доимо изланишимиз зарур", дея алоҳида таъкидлади.

Мулоқот давомида замонавий ўқитувчининг роли ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилди. Таъкидланганидек, бугунги педагог нафақат илмин берувчи, балки ўқувчи қалбига йўл топишчи психолог ҳамда замонавий технологияларни пухта эгаллаган мутахассис бўлиши даркор. Бу талаба, айниқса, бўлажак муаллимлар тайёрланаётган педагогика олийгоҳи талабалари учун ўзига хос масъулиятни юклайди. Чунки сунъий интеллект ва рақамли технологиялар жадал ривожланаётган бугунги шароитда ўқитувчининг вазифаси шунчаки маълумот узатиш эмас, балки ўқувчида танқидий-таҳлилий тафаккур, ижодий ёндашув ва маънавий кучли шахс сифатидаги хислатларни шакллантиришидир.

Робохон Махмудова давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасига бўлган юксак эътиборини ҳам қайд этиб, ўтган йилнинг 15 сентябда Президентимизнинг соҳа вакиллари билан ўтказган мулоқотида таъкидлаган сўзларини эслатиб ўтди: **"Янги Ўзбекистонда энг муҳим соҳа — таълим, энг ҳурматли инсонлар — ўқитувчи ва мураббийлардир!"**

— Бугун соҳада 6,5 миллионга яқин ёш авлод таълим-тарбия олаётганини сезинган зиммангиздаги масъулият нақадар юксак, шу билан бира, нечоғли улғувор эканидан далоятидир, — деди партия етакчиси бўлажак педагогларга мурожаат қилиб.

Шу билан бира партия раҳбари жорий йилнинг 24 февралда давлатимиз раҳбарининг Кўксаройда ёшлар билан ўтказган очик мулоқоти соҳада янги даврни бошлаб берганини ҳамда айни мулоқотда асосий диққат-эътибор ёшларни шунчаки қўллаб-қувватлаш эмас, балки улар учун "имкониятлар майдонини" кенгайтиришга қаратилганини таъкидлади.

Айниқса, яқинда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган иккита муҳим ҳужжат — "Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030" стратегиясини тасдиқлаш ҳамда "Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон ҳамда мазкур стратегияни 2026-2027 йилларда амалга ошириш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар борасидаги қарорнинг тарихий аҳамиятига алоҳида ургу берилди.

— Бу — давлат сиёсати соат сайин, кун сайин сезиниб манфаатларингиз учун янгилашиб бораётганининг исботидир, — деди партия раҳбари. — "Энди "суяги қотгунча" кутмиш ўй — билим ва интилиш бўлса, йўлингиз очик! Биз учун ҳар бир ёш мутахассисининг ўз уйи, тинч оиласи бўлиши — барқарор жамият пойдеворидир. Бу — билимнинг моддий қадрини юксалтириш, ёшларнинг ўз кучи ва салоҳиятига ишончини мустақамлашга қаратилган тарихий қадамлардир.

Партия етакчиси "Адолат" социал-демократик партиясининг ёшлар сиёсатида оид йўналишлари хусусида тўхталар экан, партия илгари сураётган сифатли таълим, ижтимоий тенглик ва коррупциясиз жамият гоьларига қаратилган 10 дан ортиқ ёшлар лойиҳасининг айни талаба-ёшларнинг орзунимдлари билан уйғунлигини алоҳида қайд этди. Таъкидланганидек, жамиятда имкониятлар тенглигини таъминлаш — партиянинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

— Афсуски, яқин ўтмишда ўқитувчининг қадри пасайган, у синфхонадан кўра кўпроқ далада, пахтада, мажбурий меҳнатда юрган даерларни ҳам кўриди. Аммо Янги Ўзбекистон сиёсати бу занжирларни узди! Давлатимиз раҳбарининг қатъий иродаси билан ўқитувчи ўз жойига — синфхонага қайтди. Буеун маҳоратли ўқитувчиларнинг ойлик маоши 2 000 долларга етаётгани давлатнинг устозга бўлган эътибори амалда эканининг исботидир, — деди Робохон Махмудова.

Маъруза давомида мамлакатимизга нафақат спорт ёки санъат юлдузлари, балки илм-фан юлдузлари ҳам зарурлиги алоҳида қайд этилди. Жавахир Синдаров шахматда жаҳон чемпиолигига даъвогарлик даражасига кўтарилгани сингари, Бухоро илмий мактабидан ҳам математика, физика, кимё ва биология бўйича дунёни лол қолдирувчи "интеллектуал юлдузлар" етишиш чикши кераклиги таъкидланди.

Тадбир давомида талабалар билан таълим сифатини ошириш, ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, инновацион ғоя ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлиқни ривожлантириш масалалари юзасидан жонли фикр алмашинди. Талабалар томонидан билдирилган тақлиф ва ташаббуслар алоҳида эътибор билан тингланди, уларнинг ҳар бирига муфассал жавоблар берилди. Ёшлар ўз навбатида олийгоҳдаги ўқув жараёнини янада такомиллаштириш, ама-

лиёт билан назарияни уйғунлаштириш, чет тиллари ва замонавий касбий кўникмаларни эгаллаш борасидаги қарашларини билдирдилар. Шунингдек, талабалар томонидан илгари сурилган бир қанча ижтимоий ташаббус ва тақлифлар партия раҳбариятида қизиқиш уйғотиб, келгусидаги иш-режаларга киритилиши белгиланди.

Мулоқот давомида Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси, "Ёш адолатчилар" қаноти Республика Кенгаши раиси Бехзод Тўхтамуродов айни даврда ёшларни партия фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритди. У, шунингдек, ёш кадрлар учун партия ичиде яратилаётган ўсмиш истиқболлари, ёшларни йўналтирувчи ишлаб чиқилаётган дастурлар ҳамда турли лойиҳаларда фаол иштирок этиш имкониятлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берди.

Партиянинг "Замонда аёллар" клуби республика кенгаши раиси Нодира Жанибекова сўзга чиқиб, мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни илм-фан ва ижтимоий ҳаётга кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасига алоҳида тўхтади: "Бухоро давлат педагогика институтида минглаб қизларимизнинг тахсил олаётгани, уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилгани мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Ҳар бир билимли қиз — бу билимли оила, ҳар бир билимли оила эса — бу кучли жамият демокидир. Шу боис партияимиз қизларимизнинг сифатли таълим олиши, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун зарур имкониятлар яратишни ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири деб билади", деди у.

Тадбир сўнггида партия аъзолари сафига кириш истагини билдирган бир гуруҳ ёшлар "Адолат" социал-демократик партияси аъзолигига қабул қилинди. Бу ёш авлоднинг сиёсий оғли ва ижтимоий масъулияти юксалаётганидан, шунингдек, партия илгари сураётган қадриятларининг талаба-ёшлар ўртасида кенг ўрин эгаллаётганидан далоят беради. Институт ректори Баҳодир Мамуровга эса таълим соҳасидаги самарали фаолияти ва ёшлар тарбиясига қўшаётган муносиб хиссаси учун "Адолат" кўкрак нишони топирилди.

Бир сўз билан айтганда, мулоқот давомида бўлажак муаллимлар билан партия ўртасидаги ишонч кўприги янада мустаҳкамлашиб, талабаларнинг ўз келажагига бўлган ишонч ортди, юрт тараққиётигаги шахсий ўрни ва масъулиятини теран англашига замин яратилди. Бунинг замирида бугунги ёш авлод нафақат давлат сиёсатининг бош манфаатдори, балки адолатли жамият барпо этишнинг асосий ҳаракатлангирувчи кучи, унинг чин маънодаги бунёдкори экани яна бир бор ўзининг ёрқин тасдиғини топди. Зеро, ёшларнинг билими, иродаси ва ижодий салоҳияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланган тақдирдагина баркамол, тараққийпарвар ва том маънодаги адолатли жамият барпо этиш гоьси амалий рўёбинга топади.

Моҳигул РАҲИМҚУЛОВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Хусусан, сўнгги ўн йилликда Фаргона вилояти иқтисодиётига жами 8 миллиард 200 миллион доллар миқвориде инвестициялар жалб этилиб, 8 мингта замонавий ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Бу рақамлар ортида минглаб янги иш ўринлари ва миллионлаб инсонларнинг тақдирини мужассам. Тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш мақсадида 100 триллион сўмлик улкан ресурс йўналтирилгани, тижорат майдонларининг 10 миллион квадрат метрга кенгайтигани ҳудудда бизнес муҳити нечоғли ривожланганидан далоят беради.

Кичик ва ўрта бизнес субъектлари сонини икки баробарга ортиб, 13,5 мингтага етгани вилоятни ҳақли равишда "тадбиркорлар юрти"га айлангандир. Бунинг натижасида ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробарга, саноат 1,5 баробарга, хизматлар соҳаси эса 3 баробарга ўсди. 2026 йил учун белгиланган мақсадлар анад салмоқли: иқтисодиётни 9,1 фоизга ўстириш, 4,5 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестиция жалб этиш ва экспорт ҳажминини 2 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, ислохотларнинг бош мезони — инсон қадрини улғулашдир. Фарғонада сўнгги тўрт йилда ишчиллик даражаси 9,2 фоиздан 4,6 фоизга, камбағаллик кўрсаткичи эса 11,6 фоиздан 5,2 фоизга тушгани ижтимоий сиёсатнинг юксак самарасидир. Урбанизация жараёни ҳам янги босқичга кўтарилди: Марғилоннинг "Ипакчи" ва "Қирғули" маҳаллаларида 241 та эски ҳовли ўрнида 2,5 минг хонадонли замонавий кўп қаватли уйлар қад ростлади. "Наврўз" маҳалласидаги "Янги Ўзбекистон" массивига эса жорий йилда 6,5 минг оила кўчиб қайтди.

Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилган узок йиллик саъй-ҳаракатлар натижасида вилоятда 74 минг ўринли мактаблар ва 145 минг ўринли боғчалар барпо этилди. 167 та хусусий мактабнинг ташкил этилиши ҳамда таълим сифатининг ошиши Фарғона ёшларини олий таълимга қамраб олиш кўрсаткичи бўйича республикада учинчи ўринга олиб чиқди.

Фарғона бугун рақамлаштириш ботида ҳам пешқадамлар сафидан ўрин олганини алоҳида таъкидлаш жоиз. "Беш миллион сунъий интеллект етакчиси" дастури доирасида сертификат олган ёшларнинг энг кўп улуши айнан Фарғона вилоятига тўғри келаятгани ҳам бу юксалишнинг ёрқин ифодасидир. Вилоятда IT хизматлари 4 баробарга ўсиб, уларнинг экспорти 23 миллион доллардан ошди. Фарғона шаҳрида IT-Парк университети ва Марғилонда ИНҲА университети филиалининг очилиши йилга 1 минг нафар юқори малакали мутахассис тайёрлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари топширигига кўра, Езёвон тумани иқтисодий салоҳияти сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилинганда, А-373 магистрალი атрофида логистика ва сервис йўналишлари орқали иқтисодий айланмани 1 триллион сўмга ошириш мумкинлиги аниқланди. Электрон тижоратни ривожлантириш мақсадида вилоятда 100 минг квадрат метрлик тирик омборхоналар бунёд этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида "Қува Агростар" тажрибаси асосида 50 минг гектар ерда супер интенсиф боғлар барпо этиш дастури амалга оширилади. Жорий йилги мева-сабзавот экспортини 500 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Саноат зоналарининг ҳар бир гектаридан камида 50 миллиард сўмлик маҳсулот олиш талаби эса ердан унумли фойдаланишни янги даражага кўтаради. Бешариқдаги "Андархон" эркин савдо зонаси ва Кўқондаги 70 миллион долларлик савдо мажмуаси келгусида минтақавий савдо марказларига айланади.

Транспорт соҳасида 324 километрлик Водий темир йўл ҳалқасининг ишга туширилиши ва чипта нархининг 15 000 сўм этиб белгиланиши аҳоли учун мислсиз қулайлик яратди. 2030 йилгача 500 километр янги темир йўл қурилиши ҳамда темир йўл поездлар сонининг кўпайтирилиши орқали Фарғона глобал транспорт оқимларининг чорраҳасига айланади. Янги ишга туширилган электропоезднинг илк сафарига давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бира Кўқондан Марғилонгача йўл олиб, самимий сўхбат қурганлари эса бу хайрли ишларнинг чин дилдан амалга оширилаётганидан далоят беради.

Фарғона туризм соҳасида ҳам сезиларли натижаларга эришди. 2025 йилда хоржий туристлар сонининг 500 мингдан ошгани ва туризм экспорти 185 миллион долларга етгани бунинг ёрқин исботидир. Келаси йил якунига қадар 300 миллион доллар миқдоридеги 50 та янги лойиҳа, жумладан, "Шохимардон — Ердон" курорт зонаси ҳамда "Водил" малина-агротуризм кластери ишга туширилади. Кўқондаги 64 та маданий мерос объекти бўйлаб пйёда маршрутлар яратилиши ва тарихий обидаларнинг замонавий маданият масканларига айлантирилиши қадимий шаҳарга янги руҳ бағишлайди.

Мамлакатимиз етакчисининг ташрифи давомида водий аҳли маънавий ҳаётда юз берган муҳим воқеалар — Марғилонда "Бурхониддин Марғинович" мажмуасининг очилиши ва Халқаро китобхонлик фестивалининг ўтказилиши бўлди. Шунингдек, Марғилонда Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Республика аския ва қизиқчилик санъати марказининг ташкил этилиши миллий санъатимизни асраб-авайлаш йўлидаги улкан қадам сифатида баҳоланмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2026 йилнинг "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилиниши Фарғонадаги ислохотлар самарасини ҳар бир хонадонга етказмоқда. Маҳаллабай ишлаш тизimini орқали тадбиркорликка йўналтирилаётган 140 триллион сўмлик маблағлар вилоятнинг ҳар бир гўшасида фаровонлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги ўзгаришлардан кўриниб турибдики, жонон Фарғонамиз нафақат тарих дурдонаси, балки келажак инновациялари, шиддатли саноат ва юксак маданият уйғунлашган Янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий маёғига айланиб улгурди. Водийда амалга оширилаётган ҳар бир ислохот, ҳар бир бунёдкорлик иши меҳнаткаш халқимизнинг бахтли ҳаёти ва эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончида аксини топмоқда.

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ МУАММОЛАР НАЗОРАТДА



ПАРТИЯНИНГ ХУДУДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ — ҲАЁТ ТАЛАБИ

Тадбирда партия Сийёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова, раис Уринбосари Озода Париббаева, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, "Аёллар қаноти" республика кенгаши раиси Нодира Жанибекова, "Ёш адолатчилар" қаноти республика кенгаши раиси Бехзод Тўхтамуродов, Марказий аппарат масъул ходимлари, республика ва ҳудудий кенгашлар раҳбарлари, шунингдек, ҳудудий кенгашлар бош ҳисобчилари иштирок этди.



Семинар-тренинг доирасида ҳудудий партия ташкилотлари фаолияти ҳар томонлама таҳлил қилиниб, амалий ишда дуч келинаётган муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этишни самарали механизмлари ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Муҳокама марказида партия ташкилотларининг ташаббускорлик салоҳиятини кучайтириш масаласи турди. Ҳозирги шароитда ҳар бир партия ташкилоти юқоридан тушадиган кўрсаткичлар ижроси эмас, балки маҳаллий аҳамиятга молик масалаларнинг ташаббускори ва ҳал этувчиси сифатида намоён бўлиши лозимлиги қайд этилди.

- Ушбу йўналишда қуйидаги вазифалар алоҳида ажратиб кўрсатилди:
- **АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА БУ БОРАДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ;**
- **ЖОЙЛАРДАГИ ДОЛЗАБ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА КЎТАРИБ ЧИҚИШ ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР ТАКЛИФ ЭТИШ;**
- **ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КОНСТРУКТИВ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ;**
- **ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИгини ошириш орқали УЛАРНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИНИ КУЧАЙТИРИШ.**

Партия Сийёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова Бухоро вилоятида шаклланди илгор тажрибаларни республика миқёсида омиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Таъкидланганидек, муваффақиятли амалиётларни кенг тарғиб этиш ва бошқа ҳудудларга таъбиқ қилиш — партия ишининг сифат кўрсаткичларини кўтаришни муҳим омилларидан биридир.

Шунингдек, партия аъзолари сафини кенгайтириш ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш масалаларига алоҳида тўхталинди. Бу омиллар партиянинг жамиятдаги таъсир доирасини кенгайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани таъкидланди. Зеро, ҳар бир бошланғич ташкилот — партия ҳаётининг тирик ҳужайраси, унинг сифати эса бутун партия организмининг барқарорлигини белгилайди.

Семинарда партия лойиҳаларининг ҳудудларда амалга оширилиш ҳолати, уларнинг изчил мониторинги ва амалий натижадорлиги юзасидан фикр алмашилди. Лойиҳаларни аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларидан келиб чиқиб тақомиллаштириш, айниқса, ёшлар, аёллар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатига қаратилган ташаббусларни кучайтириш устувор вазифа этиб белгиланди.

Партиянинг Сайловолди дастуридаги мақсад ва вазифаларни ҳудудий Кенгашлар фаолиятига самарали интеграция қилиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари ҳамда сессияларига партия ташаббусларини изчил киритиш орқали ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш механизмларини тақомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар берилди.

Тадбир жараёнида келтирилган статистик маълумотлар Бухоро вилоятида "Адолат" СДП ҳудудий ташкилотининг изчил ўсишини яққол намоён этди. Қайд этиш жоизки, бугунги кунда партиянинг Бухоро вилояти кенгашида 75 141 нафар аъзо мавжуд. Уларнинг 28 945 нафарини ёшлар, 42 702 нафарини аёллар ташкил этади. Ҳудудда 680 та бошланғич партия ташкилоти иш олиб бормоқда.

Мазкур кўрсаткичлар партиянинг ҳудудда мустақам ижтимоий базага эга экани, унинг таъсир доираси эса изчил кенгайиб бораётганидан далolat беради. Айниқса, аъзолар орасида аёллар ва ёшларнинг салмоқли улуши, партиянинг ижтимоий-демократик қадриятлари жамиятнинг турли қатламларида қандай қабул қилинаётганини кўрсатиб турибди.

Иштирокчилар ўз ҳудудларидаги илгор тажрибалар билан ўртоқлашиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифларини билдиришди.

Семинар-тренинг якунида иштирокчиларга аниқ вазифалар юклатиб, методик материаллар ҳамда амалий тавсиялар берилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу тадбир ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини янги бошқичага кўтариш, ташкилий ва сиёсий ишларни сифат жиҳатидан яхшилашда муҳим қадам бўлди. Зотан, партиянинг асосий мақсади — халқимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат принципларини амалда тасдиқлаш ва ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароитларни яратишга муносиб ҳисса қўшишдир. Бу йўлда ҳудудий партия ташкилотларининг кучли, ташаббускор ва натижадорликка йўналтирилган фаолияти — энг муҳим омиллардан биридир.

Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари томонидан ҳудудлардаги тизимли ўрганишларнинг навбатдаги босқичига старт берилди. Бу галги жараён ҳам бевосита халқ ичига кириб бориш, аҳолининг ҳаётий муаммоларини тинглаш ва уларга ечим топишга қаратилган "маҳаллабай" ишлаш тизими асосида, янги суръатда ташкил этиляпти. Шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар ва давлат дастурларининг чекка ҳудудларда ижро ҳолатини танқидий ўрганиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга тўсқин бўлаётган долзарб муаммоларни жойида аниқлаш, фуқаролар томонидан илгари суриляётган тақлифларни умумлаштириб, қонунчиликни тақомиллаштиришга йўналтириш — асосий эътиборда. Қолаверса, ўрганишлар давомида кўтарилган ҳар бир масала тегишли соҳа мутасаддилари билан биргалликда кўриб чиқилиб, ижобий ечими бўйича зарур чоралар белгиланмоқда.

БУХОРО ВИЛОЯТИ. "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова ҳудуддаги хизмат сафари доирасида Когон шаҳридаги бошланғич партия ташкилотлари (БПТ) ҳамда "Замондош аёллар" клуби фаолиятини кўздан кечирди. Ўрганиш жараёнида партиянинг вилоят кенгаши раиси Мақсуд Ҳамидов ҳамроҳлик қилди.

Таъкидланганидек, Когон шаҳар кенгаши раиси Зарнигор Тошева ташкилий-партиявий ишларда юқори ташаббускорлик кўрсатяпти. Натижада ҳудуддаги "адолатчилар" сони бирмунча кенгайиб, 7 277 нафар (уларнинг 4 012 нафарини хотин-қизлар ташкил этади)га етган. Шунингдек, 48 та бошланғич партия ташкилоти тизимли фаолият юритиб келмоқда. Бу, ўз ўрнида, партиянинг ҳудудда мустақам қатламга эга эканидан далolat беради.

Сийёсий Кенгаши раиси партия ташаббуси билан ўтказилган "Омиллар мустаҳкамлигини кафолатлайлик!" акцияси доирасида маҳаллаларда ҳам бўлди.

Дастлабки манзил — "Бунёдкор" маҳалласидаги бошланғич партия ташкилоти бўлди. Мазкур тизимда қисқа фурсатда аҳоли, хусусан, хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашда сезиларли натижаларга эришган.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Ойдин Абдуллаева Тошкент шаҳри Сергели туманидаги "Бирдамлик",

"Асробод" ва "Қўшқўрғон" маҳаллаларида бўлиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларни жойида ўрганди.

Ўрганишлар давомида "Бирдамлик" маҳалласи идораси маънан эскиргани

сабабли янги бино қуриш зарурати кўтарилди. Мазкур ташаббусга инвестор қизиқиш билдириб, тегишли лойиҳани тақдим этган. Ҳужжатлар Қурилиш вазирлигига киритилган бўлса-да,

рухсат олиш жараёни узоқ вақтдан буён кечикаётгани маълум бўлди. Шунингдек, ҳудудда метро йўли остида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш ишлари бошланган. Бироқ ушбу объектлар олдидан автомобиллар тўхташи учун зарур шароит назарда тутилмаган. Бу эса келгусида аҳолига ноқулайлик туғдириши ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

"Қўшқўрғон" маҳалласи еттигили билан мулоқотда 8500 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда болалар боғчасига эҳтиёж юқори экани таъкидланди. Масала юзасидан амалий ишлар бошланган бўлса-да, ҳали тўлақонли таъминланмаган. Учрашувларда маҳалла тизими самарадорлигини оширишга доир тақлифлар ҳам билдирилди.

Аниқланган масалалар депутат ва мастуъллар томонидан назоратга олинди. Шунингдек, депутат маҳалла кутубхоналарига янги адабиётлар тақдим этди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.



тижаларга эришган. Партия аъзоларининг ташаббуси билан маҳаллада дастурмол ишлаб чиқариш цехи фаолияти йўлга қўйилган. Натижада ҳудуддаги аёлларнинг бандлиги таъминланиб, доимий даромад манбаи яратилган.

Шунингдек, БПТ томонидан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи махсус хона ташкил этилган бўлиб, унда ёшлар ва аёллар шахмат-шашка каби спорт турлари билан шуғулланиши учун зарур шароит яратилган. Робохон Махмудова бу ишларни юқори баҳолади ҳамда партия сафига қабул қилинган хотин-қизларга аъзолик гувоҳномаларини топширди.

Шундан сўнг партия вакиллари "Ўзбекистон темир йўллари" АЖга қарашли Бухоро электр тармоқлари корхонасидаги "Темирйўлчилар" БПТ фаолияти билан танишдилар. Жобир Ҳакимов раҳбарлик қилаётган ушбу тузилмада 150 нафар аъзо бирлашган. Улар-

нинг 53 нафари ёшлар, 41 нафари эса аёллардир. Бу кўрсаткич ташкилотда ёшлар ва хотин-қизлар сиёсий фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

— *Бошланғич партия ташкилоти — бу аъзоларни ягона мақсад йўлида бирлаштирувчи, жойлардаги муаммоларни бевосита аниқлаб, уларни партия дастури асосида ҳал этишга интилувчи муҳим сиёсий бўғимимиздир. Уларнинг фаолияти — "Адолат" СДП-нинг халқ орасидаги обрўси ва нуфузини белгилайди,* — деди Сийёсий Кенгаш раиси.

Жараёнда "Адолат" маҳалласида жойлашган БПТ фаолияти ҳам яқиндан ўрганилди. Мулоқотлар давомида Бухоро вилоят кенгаши томонидан илгари суриляётган ташаббуслар, эришилаётган натижалар ҳамда Мақсуд Ҳамидов бошчилигида амалга оширилаётган тизимли лойиҳалар ҳақида фикр алмашилди.



Миробод туманида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларнинг интилиш ва ғояларини қўллаб-қувватлаш янги босқичга чиқмоқда.

Темирйўлчилар техникумида халқ депутатлари Миробод туман Кенгаши ҳузуридаги Ёшлар маслаҳат гуруҳининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Гулрух Агзамова, халқ депутатлари Миробод туман Кенгаши депутатлари М.Машарипов, А.Каримов, туман ёшлар маслаҳат гуруҳи раиси М.Тошпўлатов ва техникум раҳбарияти иштирок этдилар.

Мажлисида ёшлар билан боғлиқ долзарб масалалар, уларнинг тақлиф ва ташаббуслари, шунингдек, ҳудуддаги мавжуд муаммолар муҳокама қилинди.

Мулоқот давомида талаба-ёшларнинг таълим, бандлик ва спортни ривожлантириш бўйича тақлифлари эшитилди.

Ёшлар маслаҳат гуруҳи раиси М.Тошпўлатов ҳамда талабалар томонидан илгари сурилган ҳар бир ташаббус депутатлар томонидан атрофлича таҳлил қилиниб, уларни ҳаётга

таъбиқ этиш бўйича аниқ йўл хариталари белгиланди.

Шунингдек, йиғилишда ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, ижтимоий фаолликни кучайтириш ва турли лойиҳаларда ёшларнинг ишти-

рокини кенг қамраб олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Туман ёшлар маслаҳат гуруҳи раиси М.Тошпўлатов ҳамда талабалар томонидан билдирилган тақлифлар асосида тегишли чора-тадбирлар белгилаб

олинди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

рокини кенг қамраб олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Туман ёшлар маслаҳат гуруҳи раиси М.Тошпўлатов ҳамда талабалар томонидан билдирилган тақлифлар асосида тегишли чора-тадбирлар белгилаб

олинди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлис якунида депутат томонидан ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Депутатларнинг ҳудудлардаги ўрганиш изчил давом этмоқда. Жараён тафсилотлари ва эришилган натижалар ҳақида газетамизнинг келгуси сонларида яна хабар берамиз.



ДЕПУТАТЛИК СЎРОВЛАРИ:

ЖАВОБ БОР, ИЖРО-ЧИ?

Бугунги кунда депутатлик сўровлари маҳаллий ҳокимият ва халқ ўртасидаги энг муҳим мулоқот воситаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Қоғозда бу механизм жуда аниқ: депутат муаммони кўтаради, масъул идора жавоб беради ва, энг муҳими, муаммо ҳал этилади. Аммо амалиёт ҳар доим ҳам бу занжирнинг тўлиқ ишлаётганини кўрсатмайди.

Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

– Туман кенгаши раиси Баҳодир Аҳмаджонов ҳамда котибият ходимлари иштирокида ўтказилган танқидий-таҳлилий муҳокамада айнан шу масала кун тартибига чиқди. Маълум бўлишича, ҳозиргача депутатлар томонидан юборилган 45 та сўровнинг 34 тасига расмий жавоб тақдим

этилган. Бироқ муҳокама жараёнида бу жавобларнинг барчаси ҳам қўйилган натижани бермаётгани, айрим ҳолларда эса улар “ҳисобот учун жавоб” кўринишида қолиб кетаётгани очик тан олинди. – дейди халқ депутатлари Фарғона туман Кенгаши депутати Озодаҳон Дадажонова.

Асл муаммо эса анча чуқур. Чунки ҳар бир депутатлик сўрови ортида шунчаки рақам ёки статистика эмас, балки тирик ҳаёт туради. Сув йўқ бўлган маҳаллада – чанқоқ болалар, ёруғлик етмаган кўчада – хавотирда юрган кекса инсонлар, йўли бузилган ҳудудда эса ҳар кун қийинчилик билан ишга қатнайдиган оддий фуқаролар бор. Яъни, ҳар бир мурожаат ортида алоҳида бир инсоннинг ҳаёти, ташвиши ва умиди яширинган.

Муҳокамада туман сув етказиб бериш хизмати ДМ томонидан тақдим этилган айрим жавоблар юзаки ёндашув асосида тайёрлангани танқид қилинди. Бу эса муаммо моҳиятини тўлиқ очмасдан, фақат расмий жавоб билан чекланиб қолиш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатади.

Мутасаддилар келгуси депутатлик сўровларига ёндашуви туб-

дан ўзгартириш, ҳар бир мурожаатни реал вазиятни ўрганиш асосида кўриб чиқиш ва аниқ натижага йўналтирилган чораларни белгилаш зарурлигини таъкидладилар.

Аслида депутатлик сўровининг кучи – унинг жавобида эмас, балки ижросида намоён бўлади. Агар жавоб қоғозда қолса, у тизим ишончини пасайтиради. Агар ҳар бир сўров ортидаги инсон тақдири ҳал этилса, бу механизм жамиятдаги энг кучли ўзгариш воситасига айланади.

Шу маънода, бугунги муҳокама бир саволни яна бир бор кун тартибига олиб чиқди: депутатлик сўровлари кўпаймоқда – лекин уларнинг амалий натижалари қандай бўлмоқда? Бугун халқ ишонган депутатлар бу борада янада қатъий ҳаракат қилиш зарурлигини билдириб, келгуси вазифаларни белгилаб олдилар.

САРҲИСОБ ҚИЛИШДИ

ПОЙТАХТЛИК “АДОЛАТЧИЛАР”

Ҳар қандай сиёсий тузилманинг нуфузини ошириш ундаги депутатлик корпуси ва ижро аппаратининг қанчалик самарали, амалий натижаларга бой фаолият юритишига бевосита боғлиқ. Халқ ишончи эса ҳудудлардаги ўзгаришлар ва фуқаролар муаммоларининг ижобий ечими орқали мустақамланади.

“Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши тизимидан биринчи чорак якунига бағишланган йиғилиш айнан шундай танқидий ва таҳлилий руҳда ўтди. Шаҳар кенгаши раиси Муҳаррам Дадахўжаева тадбирда асосий эътиборни соҳадаги ютуқлардан кўра, кўпроқ ечимини кутаётган муаммолар ва йўл қўйилган суқашликларга қаратди.

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Баҳром Абдуҳалимов, шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда туман кенгаши раислари ва депутатлари қатнашдилар.



“ОҚ ҚАЛПОҚ”

КУНИ

Оқ қалпоқ – қирғиз халқининг минг йиллик тарихини, маданиятини ва дунёқарашини ўзида жамлаган жонли мерос. Унинг шакли бежиз танланмаган.

Қалпоқнинг юқорига қараб интилган учи Тянь-Шань тоғларининг қорли чўққиларини ифодалайди. Тўртта қирраси эса дунёнинг тўрт томонини ва инсон ҳаётининг турли босқичларини англатади.

2011 йилдан буён ҳар йили 5 март куни расман “Оқ қалпоқ куни” сифатида нишонланиши ва унинг 2019 йилда ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилиши ушбу бош кийимнинг жаҳон цивилизацияси учун ҳам нақадар қадри эканини исботлайди. Шу мақсадда Сирдарё вилояти қирғиз миллий маданият маркази ташаббуси билан Сардоба тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ўзгача шукӯҳ билан ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жанибекова ва “Адолат” СДП Сирдарё вилояти кенгаши раиси Жамол Комилов иштирок этишди. Таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда турли миллат вакилларининг ўз анъаналарини асраши ва ривожлантириши учун яратилган шароитлар инсон қадрининг амалдаги ифодасидир.



Ҳудудий кенгашлар матбуот хизмати

БШТ ФАОЛИЯТИ ТАНҚИДИЙ ЎРГАНИЛДИ

Сиёсий партияларнинг энг қуйи бўғини бўлган бошланғич партия ташкилотлари жамоатчилиги билан ишлашда қўлай ва энг яқин нуқтадир. Қайси БПТ фаол бўлса, ана шу жойда партиянинг ўрни ҳам юқори бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши томонидан Жалақудук туманида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантиришга бағишланган семинар ташкил этилди.

Унда ҳудудлардаги партия етакчилари ва БПТ фаоллари иштирок этди. Айни вақтда тумандаги мавжуд 19 та БПТлар ўз атрофида 5 минг 148 нафар аъзоларни бирлаштирган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 250 нафар янги партия аъзолари сафимизга қўшилди.

Туман Бандликка кўмаклашиш марказидаги БПТ 2017 йилда ташкил топган. БПТ етакчиси Райҳона Жўраева фаол ва ташаббускор сафдошларимиздан. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бандлигини таъминлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ташаббуслар билан чиқади. Бу яхши, албатта.

Ўз навбатида, БПТ фаолиятини янада жонлантириш зарур. Бунинг учун тарғибот тадбирларини кўпайтириш ва жамоатчилиги орасига чуқур кириб бориш лозим. Ана шунда “адолат-



чилар”га бўлган ишонч ҳам ортади.

Семинар иштирокчилари Жалақудук туман усимликларни ҳимоя қилиш бўлимидаги БПТ фаолияти билан ҳам танишдилар. 235 нафар партия аъзосини бирлаштирган мазкур БПТ фаоллари ҳам жамоатчилик билан ишлашда ташаббускор. Партиянинг “Тозалик йўлида бирлашайлик!” лойиҳаси доирасида маҳалларда мунта-

зам тарғибот ишларини олиб борадилар. Шу сабаб уларни қўллаб-қувватловчилар сафи кенгайиб борапти.

Таъкидланганидек, айрим камчиликлар йўқ эмас. Биринчи навбатда, партия ҳужжатларини юритишга эътиборни кучайтириш зарур. Ҳар бир иш режалари амалга оширилса, самарадорлик янада ортади. Семинарда кўрсатиб ўтилганидек, партиянинг асосий

бўғини бўлган БПТлар фаолиятини яхшилаш, иш самарадорлигини ошириш, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда кенгаш аъзоларининг ўз вазифаларини тўғри амалларига ҳам боғлиқ.

БПТлар билан ҳамкорликда ишлаш икки томон учун ҳам манфаатли. Ана шунда ўтказилган тадбирларнинг сифати ҳам юқори бўлади.

АКБАР ТЎРАБЕКОВ МОТОКУЛЬТИВАТОРЛИ БЎЛДИ

Муқим даромад манбаига эга бўлмаган юртдошларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга нафақат моддий ёрдам бериш, балки ўз меҳнати билан даромад топиши учун шароит яратиш бугунги ислохотларнинг бош мезонидир. Зарбдор туманида бу борадаги ишлар депутатларнинг амалий ташаббуслари билан янги босқичга кўтарилмоқда.

Халқ депутатлари Зарбдор туман Кенгаши депутати Дилрабо Очилова томонидан амалга оширилган навбатдаги хайрли иш бунинг яққол исботи бўлди. Депутат партиянинг “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида аҳоли билан учрашувлари чоғида “Ойбек” маҳалласида яшовчи фуқаро Акбар Тўрабековнинг мурожаатини тинглади.

Фуқаро ўз томорқасидан самарали фойдаланиш орқали оилавий даромад яратиш истагини билдириб, ерга ишлов беришда амалий кўмак сўради. Депутат фуқаронинг имкониятларини ўрганиб, бандлик масаласига аниқ ва самарали ечим топди. Ҳомийлар жалб қилиниб, Акбар Тўрабековга кишлоқ ҳўжалиги ишларини энгиллаштириш мақсадида замонавий мотокультиватор топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН

ПЛАТФОРМАЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ОСТАНАСИДА

Таҳлил

(Иккинчи мақола)

Абдужаббор ОБИДОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Рақамли иқтисодиёт” кафедраси профессори,
иқтисод фанлари доктори,
Ёдгора ИЛҲОМОВА,
кафедра мудир, иқтисод фанлари номзоди, профессор

РАҚАМЛИ ТЕНГСИЗЛИК – ЯНГИ АСРНИНГ ИЖТИМОЙ ЖАРЛИГИ

Рақамли трансформация жараёнлари жамиятга чексиз қулайликлар олиб келатган бўлса-да, танганинг иккинчи томони ҳам бор.

“Рақамли табақаланиш”. Бугунги кунда бой ва камбағал ўртасидаги фарқ нафақат моддий даромад, балки технологияларга кириш имконияти ва улардан фойдаланиш кўникмаси билан ҳам ўлчанмоқда. “Кўникмалар жарлиги”. Биринчи тўсиқ. Технологиялар ривожланиши одамларнинг уларни ўзлаштириш тезлигидан анча илгарилаб кетди.

40 фоизлик бўшлиқ. Аҳолининг қарийб 40 фоизи ҳали ҳам базавий рақамли кўникмаларга (электрон имзодан фойдаланиш, онлайн тўловлар, давлат хизматларини мустақил олиш) эга эмас. Бу қатлам учун рақамли дунё – тушунарсиз ва мураккаб “беғона ҳудуд” бўлиб қолмоқда. Функционал саводсизлик. Смартфондан фойдаланиш ва ижтимоий тармоқларда бўлиш – бу ҳали рақамли саводхонлик дегани эмас. Рақамли иқтисодиётда даромад топиш ёки муаммоларни ҳал қилиш учун керак бўлган профессионал кўникмалар танқислиги сезилмоқда.

ГЕОГРАФИК ВА ГЕНДЕР ДЕВОРЛАРИ

Рақамли тенгсизлик Ўзбекистон шароитида иккита асосий омил билан янада мураккабланишмоқда.

1. Қишлоқ ва шаҳар қарама-қаршилиги. Юқори тезликдаги интернет ва рақамли хизматлар марказларда тўпланган. Чет чекка қишлоқларда алоқа сифатининг пастлиги у ердаги ёшларнинг глобал таълим ва иш бозоридан узилиб қолишига сабаб бўлмоқда.

2. Гендер омили. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёллар ўртасида рақамли саводхонлик даражаси нисбатан пастроқ. Бу нафақат билим, балки техника воситаларига эга бўлиш ва улардан фойдаланиш учун ажратилган вақт билан ҳам боғлиқ. Бу ҳолат аёлларнинг “иқтисодий фаоллик”дан четда қолишига олиб келиши мумкин.

ИЖТИМОЙ ЧЕТЛАТИШ ХАВФИ

Рақамли тенгсизлик шунчаки “интернет йўқлиги” эмас. Бу – янги турдаги ижтимоий четлатилган (social exclusion).

Имкониятлар бой берилиши. Рақамли кўникмаси йўқ инсон арзонроқ онлайн харидлардан фойдалана олмайди, масофавий таълим ололмайди ва энг асосийси – келажакнинг юқори даромадли касбларини эгаллаш олмайди.

Авлодлар ўртасидаги узилиш. Кекса авлод вақтларда “рақамли дунё”дан бутунлай узилиб қолиш хавфи остида. Давлат хизматлари тўлиқ рақамлашган сари, уларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши қийинлашмоқда.

ЕЧИМ ЙЎЛИДАГИ ҚАДАМЛАР

Бу жарликни камайтириш учун нафақат инфратузилмани (интернетни) ривожлантириш, балки “Рақамли таълим”ни миллий қарақатга айлантириш зарур. Ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада рақамли технологияларга бепул ўқитиш марказларининг бўлиши – бу энди ҳашамат эмас, балки ижтимоий адолатни таъминлашнинг ягона йўлидир.

Рақамли иқтисодиёт фақат “танланганлар” учун эмас, балки жамиятнинг энг заиф қатламлари учун ҳам имконият эangi бўлиши керак.

ХАВФ-ХАТАРЛАР – АЛГОРИТМИК ТУЗОҚЛАР ВА “ҚОРА ҚУТИ” ЛАР

Рақамли трансформация бизга чексиз қулайликлар берган бўлса-да, унинг ор-

тида инсоният ҳали тўлиқ англаб етмаган “қора қути”лари ва махфий алгоритмлари мавжуд. Биз яратётган тизимлар энди шунчаки бизга хизмат қилмапти, балки сезилмас равишда бизни бошқармоқда.

1. **Фильтр пуфакчалари (Filter Bubbles): рақамли яққаланиш**
Алгоритмлар бизнинг дидимиз ва қарашларимизни ўрганиб, бизга фақат “бизга ёқадиган” контентни кўрсатишга интилади. Бу эса инсонни “фильтр пуфакчаси” ичига қамаб қўяди.

2. **Дунёқарашнинг торайиши**. Сиз фақат ўзингиз кўришадиган фикрларни ўқийсиз, ўзингизга ёқадиган янгилликларни кўрасиз. Натижада бошқача фикрлайдиган одамлар билан мулоқот йўқолади, жамиятда эса кутбланиш (бўлиниш) кучаяди.

3. **Интеллектуал изоляция**. Биз алгоритм “тақдим этган” ҳақиқатни ягона тўғри йўл деб қабул қила бошлаймиз. Бу эса танқидий фикрлашнинг пасайишига ва одамларнинг манипуляция қилинишига замин яратди.

2. **Рақамли кузатув ва “Кузатув капитализми”**
Гарвард профессори Шошана Зубофф таърифлаган “Кузатув капитализми” (Surveillance Capitalism) даврида шахсий ҳаёт – бу компаниялар учун сотиладиган ва сотиб олинадиган товардир.

3. **Дахлсизликнинг йўқолиши**. Илгарги шахсий ҳаёт деганда уйимиз деворлари тушунилган бўлса, энди смартфонимиз бизнинг ҳар бир қадамишимиз, соғлигимиз, ҳаттоки ақинларимиз билан бўлган суҳбатларимизни ҳам “эшитилади”.

4. **Маълумотларнинг эксплуатацияси**. Платформалар бизнинг ҳар бир ҳаракатимизни прогност қилиш орқали нафақат реклама сотишда, балки бизнинг қарор қабул қилиш жараёнимизга таъсир ўтказишади. Биз ўз хоҳишимиз билан қилдик деб ўйлаган танловларимиз аслида алгоритмик ҳисоб-китоблар натижаси бўлиши мумкин.

3. **Алгоритмик ноҳақлик (Bias)**. Алгоритмларни инсонлар яратди, демак, инсоний хатолар ва қарашлар қолларга ҳам кўчади. Масалан, ишга олиш ёки кредит бериш алгоритмлари маълум бир гуруҳларга нисбатан адолатсизлик қилиши мумкин ва буни исботлаш жуда қийин, чунки алгоритм – бу ёпиқ “қора қути”.

4. **ХУЛОСА: уйғоқлик даври**
Технологиянинг бу “соя”лари биздан рақамли гигиена ва юқори ҳушёрликни талаб қилади. Биз алгоритмлар тақдим этётган қулайликлар эвазига ўз эркинлигимиз ва танлов ҳуқуқимизни бутунлай топшириб қўймаслигимиз керак. Келажак – бу нафақат кучли технология, балки ўша технологияни бошқара оладиган эркин ва онгли инсон демакдир.

РАҚАМЛИ КОРРУПЦИЯ ПАРАДОКСИ: ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОХОТЛАР

Кўпчилик рақамлаштиришни коррупцияга қарши “сеҳрли таёқча” деб билади. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, технологиянинг ўзи етарли эмас. Бу ерда “Рақамли коррупция парадокси” юзага келади: тизим шаффофлашгани сари, коррупция схемалари ҳам мураккаблашиб, рақамли маконга мослашиб боради.

1. **“Рақамлашган бюрократия” хавфи**. Агар эскирган, мантқиқсиз ва мураккаб маъмурий жараёнлар тубдан ислоҳ қилинмасдан шунчаки электрон шаклга ўтказилса, биз фақат “электрон бюрократия”ни яратамиз.

2. **Эски схемалар, янги интерфейслар**. Инсон омили сақланиб қолган ёки қарор қабул қилиш вақолати чекланмаган тизимларда, онлайн аризалар баривор

“керакли” одамлар томонидан қўлда бошқарилиши мумкин.

3. **Рақамли воситачилик**. Пора бериш ва олиш жараёнлари энди нақд пулдан криптоактивлар ёки электрон тўлов тизимларига кўчади, бу эса жиноятларни аниқлашни қийинлаштиради.

2. **Институционал ислохотлар – тизим пойдевори**
Шунчаки илова (app) яратиш билан иш битмайди. Рақамли назорат ишлаши учун институционал ўзгаришлар шарт.

3. **Процедураларни соддалаштириш**. Коррупция пайдо бўладиган “кулранг зоналарни” йўқ қилиш учун давлат хизматлари алгоритмини максимал даражада соддалаштириш ва инсон иштирокини бутунлай чиқариб ташлаш керак.

4. **Очиқ маълумотлар (Open Data)**. Давлат харидлари, бюджет сарфи ва ер ажратиш каби соҳалар тўлиқ жамоатчилик назоратида бўлиши шарт. Ўзбекистон 2025 йил якунларига кўра Очиқ маълумотлар рейтингига жаҳонда 11-ўринга кўтарилиши бу борадаги муҳим қадамдир.

5. **Адолатли алгоритмлар**. Қарор қабул қилувчи алгоритмларнинг ўзи ҳам “қора қути” бўлмаслиги, уларнинг ишлаш принципи ва аудити шаффоф бўлиши зарур.

3. **Ўзбекистоннинг янги босқичи: “Коррупцияга қарши кластер”**.

2026 йилдан бошлаб Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг янги тизими – Антикоррупция кластери ва сунъий интеллект ёрдамида хавфларни баҳорат қилиш тизими жорий этилмоқда. Бу шуни аниқлатадики:

1. **Тизим нафақат содир бўлган жиноятни аниқлайди, балки коррупция хавфи юқори бўлган нуқталарни “рақамли назорат” (Digital Oversight) орқали олдиндан баҳорат қилади;**

2. **давлат органлари фаолиятининг самардорлиги энди “рақамли рейтинг” асосида баҳоланади ва “қониксарис” деб топилган тизимларда мажбурий институционал ўзгаришлар амалга оширилади.**

3. **ХУЛОСА:** рақамлаштириш коррупцияни йўқотмайди, балки уни фош қилиш ва олдини олиш учун имконият беради. Бироқ, бу имкониятдан фойдаланиш учун жамиятда нафақат янги иловалар, балки кучли сиёсий ирода, мустақил суд тизими ва ҳуқуқий он ривожланиши лозим. Бизга “рақамли никоб” эмас, балки “рақамли адолат” керак.

КЕЛАЖАК МОДЕЛИ – “РАҚАМЛИ КОДЕКС” ВА РАҚАМЛИ СУВЕРЕНИТЕТ

Технологиялар шиддат билан ривожланаётган бир пайтда, анъанавий қонунчилик рақамли муносабатлар тезлигига дош бера олмай қолди. Шу сабабли Ўзбекистон ўз рақамли келажакни тартибга солиш учун дунёдаги санокли давлатлар қаторида ягона ва яхлит “Рақамли кодекс”ни ишлаб чиқишга киришиди. Бу шунчаки қонунлар тўпلامي эмас, балки рақамли макондаги миллий конституциясимиздир.

1. **Рақамли суверенитет: ўзлигимизни сақлаш**.

Глобал платформалар ва трансмиллий корпорациялар ҳукмронлиги даврида давлатнинг ўз рақамли чегараларига эга бўлиши – миллий хавфсизлик масаласидир.

2. **Маълумотлар устидан назорат:** “Рақамли кодекс” фуқароларимизнинг маълумотлари чет элда эмас, балки Ўзбекистон ҳудудидаги серверларда сақланиши ва улардан фойдаланишда миллий манфаатлар устуворлигини таъминлайди.

3. **Технология мустақиллик:** кодекс маҳаллий ИТ-ёчимларни қўллаб-қувватлаш ва ташқи рақамли таъсирлардан ҳимояланишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

4. **Сунъий интеллект ва этика**. Келажакнинг энг бахтли мавзуси бўлган Сунъий интеллект (СИ) илк бор ҳуқуқий майдонга олиб кирилмоқда.

5. **Жавобгарлик масаласи**. Агар СИ хато қилса ёки зарар етказса, ким жавобгар бўлади? Кодекс СИ алгоритмларининг шаффофлиги, хавфсизлиги ва уларнинг инсон ҳуқуқларига зид келмаслиги бўйича аниқ қоидаларни белгилайди.

6. **Инсон омили устуворлиги**. Ҳар қандай алгоритмик қарор устидан инсон назорати сақланиб қолиши шартлиги қонунан мустаҳкамланади.

3. **Рақамли активлар ва янги иқтисодиёт, криптовалюталар, NFT ва рақамли мулк** – булар энди экзотика эмас, балки иқтисодиётнинг реал қисмидир.

4. **Ҳимояланган бозор**. Кодекс рақамли активлар билан боғлиқ операцияларни легаллаштириш баробарида, инвесторлар ва оддий фуқароларни рақамли фирибгарликлардан ҳимоя қилиш тизимини яратди.

4. **Янги давр фуқаросининг ҳуқуқлари**

“Рақамли кодекс” фуқароларга янги турдаги ҳуқуқларни тақдим этади:

1. **Унутилиш ҳуқуқи:** фуқаро ўзи ҳақидаги эскирган ёки нотўғри маълумотларни қидирув тизимларидан ўчиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. **Рақамли дахлсизлик:** шахсий ҳаётнинг рақамли акси ҳар қандай ноқонуний кузатув ва маълумотлар ўғрилигидан юқори даражада ҳимояланади.

3. **ХУЛОСА. Тартиб ва эркинлик мувозанати.**

“Рақамли кодекс” – бу Ўзбекистоннинг рақамли дунёдаги “йўл харитаси”. У нафақат тартиб ўрнатади, балки инновациялар учун хавфсиз ва башорат қилиш мумкин бўлган муҳит яратди. Бу кодекс билан биз рақамли уммонда оқим бўлаб сузаймиш, балки ўзи йўналишимизни ўзимиз белгилаймиш.

ИНСОН ҚАДРИ РАҚАМЛАР ОРАСИДА – ЯНГИ ГУМАНИЗМ ДАВРИ

Биз яшаётган рақамли трансформация даври нафақат иқтисодий кўрсаткичлар ёки технологиялар тезлиги билан, балки уларнинг инсон ҳаётига берган мазмуни билан ўлчанishi керак. Рақамли иқтисодиётнинг асқ мақсади – фақатгина молиявий фойда олиш ёки жараёнларни оптималлаштириш эмас, балки инсон қадрини юксалтириш бўлиши шарт.

1. **“Инсон қадри учун” – рақамли макондаги олий мезон**
Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясидаги “Инсон қадри учун” тамойили рақамли дунёда ҳам бош мезон бўлиб қолиши зарур. Бу шуни аниқлатади.

2. **Технология – мақсад эмас, восита:** Смартфонлар, алгоритмлар ва сунъий интеллект инсон устидан ҳукмронлик қилиши эмас, балки унинг меҳнатини енгиллаштириш, соғлигини сақлаш ва билим олишига хизмат қилиши керак.

3. **Ижтимоий масъулия:** платформалар ва рақамли гигантлар фақат “юлдузчалар” ва рейтинглар ортдан қўймай, ўз ишчилари ва фойдаланувчиларининг ижтимоий ҳимояси, руҳий хотиржамлиги учун ҳам жавобгар бўлиши лозим.

4. **Технологияни бошқариш санъати**
Биз технологияни бошқаришимиз керак, технология бизни эмас.

Бунинг учун жамиятда иккита муҳим омил ривожланиши шарт.

1. **Рақамли онглилик:** ҳар бир инсон алгоритмлар қандай ишлашини, маълумотларни кимга ва нима учун кераклигини англаши, “рақамли тузоқлар”га тушиб қолмаслик кўникмасига эга бўлиши керак.

2. **Этик назорат:** технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда фақат муҳандислик эмас, балки этика, ҳуқуқ ва инсонпарварлик тамойиллари устувор бўлиши лозим.

3. **ЯКУНИЙ СЎЗ**

Рақамли дунё – бу чексиз имкониятлар уммони. Бироқ бу уммонда адашиб қолмасликнинг ягона йўли – ўз инсоний қиёфамизни сақлаб қолишдир. Рақамлар, кодлар ва битлар қанчалик мукамал бўлмасин, улар инсон қалбини, меҳрини ва эркин иродасини ўрнини боса олмайди.

Биз қураётган “Рақамли Ўзбекистон” – бу нафақат юқори тезликдаги интернет ва қулай иловалар мамлакат, балки ҳар бир фуқаронинг қадри банд, ҳуқуқлари ҳимояланган ва имкониятлари тенг бўлган замонавий, инсонпарвар жамиятдир.

ИНСОН АЗИЗ

Ҳар бир ёшнинг фаолияти – нафақат ўз орзулари ушалишига, балки бутун жамиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Афсуски, айрим ёшлар турли сабабларга кўра жазони ижро этиш муассасаларига тушиб қолади. Уларнинг ҳаётидаги бу нотўғри қадам кўпинча қайта ижтимоийлашиш ва нормал ҳаётга қайтиш имкониятларини чеклайди. Шу сабабли ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан бири – жазони ўтаган ёшларни нафақат назорат остида ушлаб туриш, балки уларни келажакда жамиятга фойдали шахс сифатида қайтаришдир.

“ИККИНЧИ ИМКОН:”

Маҳкум ёшлар учун
қайта ҳаёт сари қадам



Анбарой ЖУМАБОВЕВА,
Тошкент давлат юридик университети
“Давлат бошқаруви” таълим йўналиши
талабаси

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси жазони ижро этиш тизимида маҳкум ёшларни замонавий касбларга ўқитиш ва малака ошириш имкониятларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ёндашув нафақат жиноятларни камайтиришга хизмат қилади, балки ёшларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишига, ўз-ўзини англашига ва мустақил ҳаёт қуришига замин яратди.

Натижада умрини жазони ижро этиш муассасаларида ўтказётган ёшлар бошқа ёшлар қатори яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Давлатимиз бу судланган, бу жиноят қилган, деб ҳеч кимни ўз ҳолига ташлаб қўймапти, аксинча, тезроқ ижтимоий ҳаётга қайтсин деб барча зарур шарт-шароитларни яратмоқда.

Жорий йилнинг 27 мартда “Жазони ижро этиш муассасаларидаги ёшларни замонавий касбларга ўқитишга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги Президент қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, жазони ўтаётган ёшларни замонавий касбларга ўқитишга қаратилган “Иккинчи имкон” ижтимоий реабилитация миллий лойиҳаси амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Лойиҳа доирасида 2026 йил 1 июндан Тошкент, Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги, 2027 йил 1 мартдан республиканинг бошқа ҳудудларидаги жазони ижро этиш муассасаларидаги ёшларни замонавий рақамли касбларга ўқитиш тизими йўлга қўйилиши белгиланди.

Бунда:
- ўқув курслари жазони ижро этиш муассасаларида 8-12 ойлик интенсив ўқув дастурлари асосида ташкил этилади;
- ўқув курсларига ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятларни содир этган жазони ўтаётган ёшлар жалб қилинади;
- ўқув курсларига жалб қилинганлар хорижий тилларни (инглиз, рус, хитой ва бошқалар) ўрганиш бўйича ягона интенсив дастурлар асосида ҳам ўқитилади;
- ўқув курслари якуни бўйича тегишли дастурларни ўзлаштирган жазони ўтаётган ёшларга электрон шаклдаги сертификатлар берилди.

Бундан қузатилган мақсад уларнинг ҳаётга тез мослашишига ёрдам бериш ва жиноятчиликнинг олдини олишга эътибор қаратишдир. Албатта, шунча шароитларни яратишнинг ўзи бўлмайди. Бунда Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқалар ҳамкорликда ишлашди. Айтилик, Ички ишлар вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорликда ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ёшларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш устидан назорат олиб боради. Табиийки, ўқув машғулотлари жараёнида интернет зарур бўлади. Интернетни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар ва унинг сифати бўлиши Рақамли технологиялар вазирлиги зиммасига юклаган.

Давлат жазони ижро этиш муассасасидаги ёшларни фақат ўқитибгина қолмай, уларни озоликка чиққандан кейинги муаммоларини ҳам ўрганапти. Табиийки, озоликка чиққан ёшлар қийналиши, уй-жойга бўлган эҳтиёжи ва шу каби бошқа муаммолари мавжуд бўлиши мумкин. Мана шу ҳолатларга барҳам бериш учун Ижтимоий ҳимоя агентлиги ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги уларнинг муаммоларини ҳал этадилар. Режалаштирилаётган бу инсонпарварлик моделидир. Давлатимиз жазони ижро этиш муассасаларида рақамли касблар ва чет тилларини ўрганиш орқали ёшларга фақат билим эмас, балки ўз хатоларини тузатиш учун реал имконият бермоқда. Зотан, жазо чорасининг асосий мақсади инсонни яққалаш эмас, балки уни қайта тарбиялашдир.

Хулоса қилиб айтганда, “Иккинчи имкон” лойиҳаси шунчаки таълим дастури эмас, балки адашган ёшларни жамиятга қайтаришнинг замонавий ва инсонпарварлик моделидир. Давлатимиз жазони ижро этиш муассасаларида рақамли касблар ва чет тилларини ўрганиш орқали ёшларга фақат билим эмас, балки ўз хатоларини тузатиш учун реал имконият бермоқда. Зотан, жазо чорасининг асосий мақсади инсонни яққалаш эмас, балки уни қайта тарбиялашдир.

“Бурч,
жасорат,
матонат!”



Тинчлик бор жойда ҲАЁТ ДАРАХТИ ГУЛЛАБ-ЯШНАЙДИ

Инсонга ҳар куни тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик керак. Тинчлигини йўқотган хонадон ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам бўла олмайди. Тинчлик-хотиржамлик – тараққиёт гарови.

Биз азал-азалдан тинчликсевар халқмиз. Айнан шу ғоя тарғибга бағишланган буюк миллий маънавий меросимиз бор. Уларнинг барида тинчликнинг қадрига етиш тарғиб этилади, уруш эса батамом қораланади.

Зоҳид ҚўШАРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
доценти, иқтисод фанлари номзоди

9 майни Хотира ва қадрлаш куни тарзда умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад ётибди. Бу байрамда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирланади, Афғонистон урушида ҳалок бўлганлар шўро сиёсатининг беғуноҳ қурбонлари сифатида эсланади, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотираси олдида ҳурмат бажо келтирилади.

Мамлакатимизда ушбу умумхалқ байрамга қизгин тайёргарлик кўриш ишлари бошланиб кетди.

Жорий йилнинг 16 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, резерв ва захирадаги

офицерлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҳар йили мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида нишонланиши юртимизда тинчликни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасини ёд этиш, бугун орамизда соғ-омон яшаётган уруш ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик кўрсатишнинг ёрқин амалий ифодаси эканлиги алоҳида қайд этилди.

Бу йил байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига 30 миллион сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти бериладиган бўлди.

Шунингдек, бу кунда уруш қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, кексалар ва устозларга ҳурмат-эҳтиром

кўрсатиш, ёлғиз ва кам таъминланган фахрийларнинг турар жойларини ободонлаштириш, турли хотира ва қадрлаш тадбирларини ташкил этиш режалаштирилган. Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган Ватан фидойиларининг хотираси ҳам улуғланади. Уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Она Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида жон фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг мардлиги ва жасоратини тарғиб қилишга қаратилган маънавий-ватанпарварлик тадбирлари ўтказилади. Мамлакатимиз бўйлаб “БУРЧ, ЖАСОРАТ, МАТОНАТ!” шиори остида маданий-маърифий тадбирлар, уч авлод учрашувлари, ижодий кечалар, танловлар ва оммавий спорт мусобақалари ташкил этилади.

Инсон бор экан, хотира муқаддас. Ҳеч ким, ҳеч нарса эсдан чиқмайди. Халқ бугунги тинч-хотиржам замонни асраб-авайлаш, қадрига етиш учун ҳам урушни, унинг қаҳрамонларини, ғалабага муносиб ҳисса қўшган ҳеч бир кишини хотирасидан фориғ қилмайди.

Кунлар кунларни, йиллар йилларни

қувиб, бу кўхна чархи фалак шу қирли коинот яралганидан бери айланган-айланган. Айни инсоннинг боқий эмаслиги онг-шууримизда хотира деган тушунчани пайдо қилган бўлса, ажаб эмас. Негаки хотирагина ўтганларни эслаш, бугунги кечанинг ёди билан тўлдириб, яъни, уни янада бойитиш имконини беради. Хотира ва қадрлаш тушунчалари – моҳиятан бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.

Мутаносиблик, миллийлик, инсонийлик, фалсафийлик, рағбат билрашган жойда ҳаёт дарахти гуллаб-яшнамайди. Байрамлар инсоннинг қалб торларини черта олиши билан ҳаётни янада ширинроқ қилади, одамларни элу юртини кўпроқ севишга ундайди, оламда меҳр-мурувват, ҳурмат-эътибор, қадр-қиммат ва оқибат уруғларининг кўпроқ сочилишига ҳисса қўшади.

Ҳа, истиқлол йилларида байрамларимизга муносабатимиз тубдан янгилангани орқали миллий онгимиз, инсоний тушунчаларимиз, фалсафий оламимиз бутунлай ўзгараётгани, XXI асрга тамоман бошқача руҳий-маънавий дунёқарашимиз билан кириб келганимизни пайқаш қийин эмас.

Хотира ва қадрлаш кунини муносиб нишонлашдан кўзлаган бош мақсадимиз – Ватан ҳимоячиларини хотирлаш, орамиздаги фидойи инсонларнинг, тинчликнинг қадрига етиш, урушни қоралаш, тинч-осойишта яшаётганимиз, турмуш фаровонлигини таъминлаш учун тер тўкиб, унумли меҳнат қилаётганимизнинг шукронасини қилишдан иборат. Бу ҳар қандай кишини маъна рағбатлантиради, уни яшашга, яратишга, элу юртга садоқат ва қатъият билан хизмат қилишга ундайди.



Хотира – азиз, жасорат – мангу!

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Гулнора Абдувоҳидова Хонобод шаҳрида яшовчи фахрийлар билан учрашди. “Меҳмонобод” маҳалласида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тадбир “Тинчлигимиз абадий бўлсин!” деб номланди.

Халқ вакили давлатимизнинг бугунги сиёсати, юртимиздаги тинчлик ва кексаларга бўлган эътибор тўғрисида сўз юритди. Шунингдек, жорий йилнинг 16 апрель куни қабул қилинган “9 май – Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори мазмун-моҳияти юзасидан фикр алмашилди.

Ўз ўрнида, Гулнора Абдувоҳидова фахрий ота-хон ва онахонларни ақинлашиб келаётган байрам билан кутлади. Тадбир сўнггида салкам аср билан бўйлашаётган фронт орти фахрийси Маманазар ота Матқосимов бошчилигидаги нуронийлар юрт тинчлиги ва фаровонлигини тилаб, дуога қўл очдилар.

Андижон вилояти кенгаши матбуот хизмати

Хорижда нима гап,
бизда-чи?

Зўравон талаба бўлолмайди

Жанубий Кореяда мактабдаги буллингга (таҳқирлаш ва зўравонликка) қарши курашишнинг ўзига хос усули ўйлаб топилди.

Korean Herald нашрининг ёзишича, Корея Республикасида 45 нафар абитуриент мактаб давридаги буллинг сабабли университетга ўқишга кира олмади. Эндиликда Корея олий ўқув юртлари абитуриентлари қабул қилишда уларнинг мактабдаги зўравонлик ҳолатларида иштирок этганини ҳисобга олиши бошлади.

Жорий йилда мактабдаги ножоиз хулқ-атвори туфайли 45 киши олий-гоҳга кира олмади. Абитуриентларнинг ҳужжатлари мамлакатнинг энг машҳур олий таълим муассасалари: Сеул миллий университети ва Кёнбок университети томонидан рад этилди. Кёнбок университетда интизомни баҳолашнинг қатъий тизими жорий этилди: эндиликда қоидабузарларга содир этган қилмишининг оғирлигига қараб жарима баллари ҳисобланади.

Янги тизимнинг асосий қоидалари.

Умумий мажбурият: келаси йилдан бошлаб мамлакатдаги барча университетлар қабул жараёнида мактабдаги зўравонликка оид маълумотларни инобатга олиши шарт бўлади.



Педагогика соҳасидаги қатъий чеклов: ўнта миллий педагогика олий-гоҳи ҳам баёнот бериб, келаси йилдан бошлаб мактабда ҳар қандай даражадаги зўравонликни содир этган абитуриентлар ўқишга кириш имкониятидан автоматик равишда маҳрум этилишини маълум қилди.

Тизимнинг ишлаши: бундай тизим самарали бўлиши учун буллинг ҳолатларини мунтазам равишда қайд этиб бориш (фиксация қилиш) зарурлиги таъкидланмоқда.

Туркияда болалар учун ижтимоий тармоқларга чеклов жорий этилди



Туркияда болалар ва ўсмирларни интернет муҳитида ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қонун қабул қилинди. Янги тартибга кўра, 15 ёшдан кичик фойдаланувчиларга ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш тақиқланади. Бу ҳақда халқаро ахборот агентлиги Reuters хабар тарқатди.

Конун талабларига мувофиқ, барча онлайн платформалар фойдаланувчиларнинг ёшини аниқлаш ва текшириш бўйича қатъий чораларни жорий этиши шарт. Яъни, эндиликда ёшни яшириш ёки нотўғри маълумот киритиш орқали рўйхатдан ўтиш анча қийинлашади. Бу эса болаларни зарарли ахборотдан муҳофаза қилишга хизмат қилиши кутилмоқда.

Янгилик фақат ижтимоий тармоқлар билан чекланиб қолмайди. Ўйин платформалари ҳам ушбу талабларга бўйсундирилади. Улар ўйинларни ёш тоифаларига қараб таснифлаб, фойдаланувчиларни тегишли чекловлар асосида киритишлари лозим бўлади. Бу орқали болалар учун мос келмайдиган контентдан ҳимоя кучайтирилади.

Шунингдек, қонунга кўра, фойдаланувчилар сони юқори бўлган йирик платформалар Туркия ҳудудида расмий вакиллик очиши шарт қилиб белгилади. Бу талаб давлат назоратини кучайтириш ва қонунбузарлик ҳолатларига тезкор жавоб қайтариш имконини беради.

Аввалроқ Yeni Şafak нашрида ёзилишича, мамлакатда болалар ва ўсмирлар иштирокидаги айрим салбий воқеалардан сўнг ҳукумат кўшимча чоралар устида иш бошлаган. Жумладан, болалар учун махсус SIM-карталар жорий этиш режалаштирилмоқда. Бундай SIM-карталар зарарли ва номақбул контентни автоматик равишда чекловчи махсус филтрлар билан таъминланади.

Бундан ташқари, мутасаддилар VPN хизматларини чеклаш, шунингдек 18 ёшгача бўлган фойдаланувчилар учун интернетдан фойдаланиш тартибини янада қаттиқлаштириш масаласини ҳам кўриб чиқмоқда.

Қисқача айтганда, Туркияда қабул қилинган ушбу қарор рақамли хавфсизликни таъминлаш, айниқса, ёш авлодни зарарли ахборотдан асрашга қаратилган муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда. Бу каби чоралар келажақда бошқа давлатлар учун ҳам намуна бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

(Манба: zamin.uz)

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Озода ПАРШИБОВЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибиёт – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР
Кўрсаткичи: 100

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 501

Газета 1995 йил 22 февралдан чика бошлаган

ISSN 2093-5217



Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

Таҳрирнинг манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.

Адади – 4 012
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоис келишилган нархда

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК боғмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!